



FARG‘ONA VILOYATI O‘ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 йил «30» декабрь

209-11-161-Q/21

Ўзбекистон туман ҳокимлиги

Ўзбекистон тумани 4р-154 ”Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг Олмазор-Қирккетмон қишлоғи ҳудудидаги 9.0 км.да 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” белгиси ҳамда мазкур жойга 5.16.1, 5.16.2 “Пиёдалар ўтиш йўлаги” ахборот-кўрсаткич йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)нинг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2020 й., 09/20/796/1639-сон)га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибini сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 17.11.2021 йил куни 1140-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини инobatга олиб, Ўзбекистон Републикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 17.11.2021 йил куни 1140-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси инobatга олинсин;

2. 4р-154 ”Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг Олмазор-Қирккетмон қишлоғи ҳудудидаги 9.0 км.да 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” белгиси ҳамда мазкур жойга 5.16.1, 5.16.2 “Пиёдалар ўтиш йўлаги” ахборот-кўрсаткич йўл белгиларини ўрнатишга рухсат этилсин;

3. “Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш” УК директори **Б.Рахмонов**га: 4р-154 ”Кўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг Олмазор-Қирккетмон қишлоғи ҳудудидаги 9.0 км.да 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” белгиси ҳамда мазкур жойга 5.16.1, 5.16.2 “Пиёдалар ўтиш йўлаги” ахборот-кўрсаткич йўл белгиларини ўрнатиб бериш

вазифаси топширилсин;

4. “Яйпан овози” газетаси тахририяти (К. Шерматов), Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш. Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев